

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАНЛАР
АКАДЕМИЯСИ МИНТАҚАВИЙ БЎЛИМИ
ХОРАЗМ МАЪМУН АКАДЕМИЯСИ**

**ХОРАЗМ МАЪМУН
АКАДЕМИЯСИ
АХБОРОТНОМАСИ**

Ахборотнома ОАК Раёсатининг 2016-йил 29-декабрдаги 223/4-сон
қарори билан биология, қишлоқ хўжалиги, тарих, иқтисодиёт,
филология ва архитектура фанлари бўйича докторлик
диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия
этилган илмий нашрлар рўйхатига киритилган

**2020-5/2
Вестник Хорезмской академии Маъмуна
Издаётся с 2006 года**

Хива-2020

МУНДАРИЖА

ИҚТИСОДИЁТ ФАНЛАРИ

Abdullayev I.S., Karimova M.M. Tijorat banklarini rivojlantirishning tahlili	5
Fayziyeva N.Sh. Foreign experience of innovative financing for example of the russian federation	8
Muminov Kh.I., Abdullayeva H. Forecasting tourism demand in Uzbekistan	11
Tajenova G.E. Problems and ways to improve solutions in financing export of gricultural products	17
Абдуллаев У.А. Савдо ва ишлаб чиқариш билан шуғулланувчи корхонанинг ижтимоий-иқтисодий тизимларини ташкил этишда регрессия моделидан фойдаланиш	20
Абдуллаев У.А. Савдо корханасининг ўз-ўзини ташкил этувчи тизимларини математик моделлаштириш	25
Қахҳоров О.С., Норов А.Э. Олий таълим муассасаларида инновацион фаолият бошқаруви ва унинг самарадорлиги	29
Панжиева Н. Сурхондарё вилоятида туризм тармоқларини ривожлантиришнинг стратегик йўналишлари	42
Эргашев Ш.В., Нарова М.М. Асосий воситалар амортизацияси аудитини ўтказишида таҳлилий жиҳатлар ҳамда уларни ривожлантириш истиқболлари	46

ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ

Akhmedova M.M. Problems of teaching the specialty language to students of non-linguistic higher education	49
Ataeva Kh.K. The effectiveness of blended learning in teaching foreign language in the context of modern education	51
Bekmuratova Sh.A. Juft so`zlarning gramatik xarakteristikasi	53
Burieva S.S. Innovative technologies in learning foreign languages	55
Dadaboev O., Dadaboeva L. Translation problems of alisher navoi's ghazals into English ..	57
Dushayeva S.J., Kuziev Sh.A. The ways of developing discourse competence in non-linguistic	61
Eshmamatov R.T. “Case study” method in teaching foreign language	63
Fayzieva Yu.Yu. Independent work of students in the process of teaching a foreign language	65
Ibodullayeva G.J., Mirsaburova D.M. The translation problems of business terms in the sphere of communication from english into uzbek	67
Isomiddinova L.I., Toshtemirova A.S. Paralinguistics and semiotics as non-linguistic means in voice communications	69
Jabborova D. Selecting authentic materials for reading	71
Kuchibaev M.A. Development of independence in the process of teaching a foreign language	73
Mirsaburova D.M., Ibodullayeva G.J. Measurement units in “baburnama” in english and uzbek languages	75
Nurboyeva D.N. Til o'rgatishda bolalar adabiyotining o'rni va ahamiyati	78
Nurmatova G.T. Substance and function of the paralogy	81
Otamurodova F.E. Innovative technologies in learning foreign languages	83
Sapaeva D.N. Medical discourse in modern linguistics	85

10. Abdullaev U.A. Modeling of the development of trade-based enterprise application software package Maple. // 1st International Scientific Conference, European Applied Sciences: modern approaches in scientific researches, Stuttgart, Germany December 17-19, 2012; pages 139-142.

11. Куцько П.П. Моделирование производства СБИС[Текст]/ П.П. Куцько, А.В. Кузьмин // Моделирование систем и процессов: научно-технический журнал / Воронеж. Гос.лесотехнич. академии – Воронеж, 2006. – С. 40-49.

12. Кузьмин А.В. Методика, математическая модель и алгоритм оценки эффективности управления предприятиями электронной промышленности/ А.В. Кузьмин, П.П. Куцько, Ю.С. Сербулов//Приводная техника – 2007. №1. – С.56-59.

ЎУК: 33

ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИДА ИННОВАЦИОН ФАОЛИЯТ БОШҚАРУВИ ВА УНИНГ САМАРАДОРЛИГИ

*О.С. Қаҳҳоров, мустақил изланувчи, Бухоро давлат университети, Бухоро
А.Э. Норов, мустақил изланувчи, Бухоро давлат университети, Бухоро*

Аннотация. Мақолада олий таълим муассасаларининг маркетинг бошқаруви, фаолияти, концепцияси, сифат ва сон кўрсаткичлари, шунингдек, минтақавий олий таълим бозорида рақобатчи олий таълим муассасалари ўртасида маркетинг бошқаруви самараадорлигини баҳолаш натижаларини қиёсий таҳлиллаш, маркетинг бўлнимининг ички муҳити, ходимларининг малакаси, молиялаштириши усуслари ва професионализми, маркетинг харажсаллари таркиби каби масалалар ҳақидаги маълумотлар таҳлил қилинган.

Калим сўзлар: маркетинг концепцияси, ижсобий тенденция, потенциал бозор, рақобатбардоши олий таълим, ижтимоий самараадорлик, хўжалик юритувчи субъект, хизмат кўрсатши соҳаси, профиллар шакллантириши, дастур-модуль, моделлаштириши.

Аннотация. В статье проведен сравнительный анализ управления маркетинга, деятельности, концепции, качественных и количественных показателей высших учебных заведений, а также приведены сведения о сравнительном анализе результатов оценки эффективности управления маркетингом среди конкурирующих вузов на региональном рынке высшего образования, о внутренней среде отдела маркетинга, о квалификации сотрудников, о методах и професионализме финансирования, о составе маркетинговых расходов.

Ключевые слова: маркетинговая концепция, положительная тенденция, потенциальный рынок, конкурентоспособное высшее образование, социальная эффективность, хозяйствующий субъект, сфера обслуживания, формирование профилей, программный модуль, моделирование.

Abstract. The article provides a comparative analysis of the results of marketing management, activities, concepts, quality and number of universities, as well as the effectiveness of marketing management among competing universities in the regional market of higher education, the internal environment of the marketing department. Data on issues such as content have been analyzed.

Key words: Marketing concept, positive trend, potential market, competitive higher education, social efficiency, business entity, service zone, formation of profiles, software module, modeling.

Бугунги кунда узлуксиз таълим тизимини ислоҳ қилиш ва такомиллаштириш, янги сифат босқичига кўтариш, унга педагогик ва инновацион технологияларини жорий этиш ҳамда таълим самараадорлигини ошириш давлат сиёсати даражасига кўтарилди. “Таълим тўғрисида” ги Қонун, “Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури” нинг қабул қилиниши билан узлуксиз таълим тизими орқали замонавий кадрлар тайёрлашнинг асоси яратилди.

Миллий меросимизда хам бошқарув масалаларига доир бир қатор асарлар яратилган бўлиб, биз уларни бугунги кунда раҳбаршуносликка бевосита даҳлдор асарлар, айни вақтда илмий-назарий манбалар сифатида қайд этишимиз мумкин. Бу асарларда раҳбар кадр танлаш масалалари турли тарзда ёритилади. Баъзилари ушбу жараённи жамиятнинг ижтимоий-сиёсий-иктисодий тараққиёти жараёни билан боғлиқ равишда таҳлил этса, баъзилари раҳбар кадр танлаш ва раҳбарликка танланишга доир принциплар мажмуасини қамраб олиб, ўзига хос дастур сифатида намоён бўлади деб таъкидлаб ўтади давлатимиз раҳбари Ш.М. Мирзиёев.

Олий таълим муассасаларининг маркетинг бошқаруви концепциясини ишлаб чикиш, уни қўллаш ва татбиқ этиш самараадорлигини асослашни талаб қиласди. Уни ҳар томонлама баҳолаш мақсадга мувофиқ. Бу ўринда шуни ҳам эслатиб ўтиш жоизки, айни пайтда мавжуд ресурслар

салоҳиятидан оптимал фойдаланиш тадқиқотнинг назарий ва амалий жиҳатлари бўйича энг кам ривожланган йўналиш ҳисобланади.

Таъкидлаш жоизки, ҳар бир ОТМда баҳолаш бўйича ўзига хос фарқлар бор. Бу қуйидаги жиҳатлар билан боғлиқ: раҳбарият олий таълим муассасаси фаолиятида маркетингни амалга ошириш зарурлигини англаб етганлиги; менежментнинг умумий таркибида маркетинг интеграцияси даражаси; маркетинг бўлимининг ишини ташкил қилишга қодир малакали мутахассисларни танлаш; маркетинг сиёсати воситаларини ишлаб чиқиш ва натижада ОТМнинг стратегик ва тактик мақсадларига эришиш учун ўз вазифаларини сифатли бажариш; муввафқиятли фаолият кўрсатиш ва якуний фаолият кўрсаткичларига эришиш ҳамда рақобатбардошликни ошириш учун зарур бўлган ресурсларни қўллаб-кувватлаш даражаси [1].

Фикримизча, маркетинг бошқаруви концепциясининг самарадорлиги факат ҳар бири мустақиллик ва яхлитликка эга бўлган қўшимча таркибий қисмлар тизими асосида баҳоланиши керак. Уларнинг таркибидан маркетинг фаолияти самарадорлигини ва маркетинг бошқаруви самарадорлигини ажратамиз.

Олий таълим муассасалари маркетинг фаолияти хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда, унинг самарадорлигини баҳолашнинг асосий босқичлари аниқланди. Бу таклиф этилаётган шакллантириш алгоритмида акс эттирилди (1-расм).



1-расм. ОТМлар маркетинг фаолияти самарадорлигини баҳолаш алгоритми

Дастлабки босқичда баҳолашни ўтказиш учун ОТМнинг рақобатли устунликларини яратиш ва ривожлантириш борасидаги энг муҳим мезонларни белгиладик. Улар таркибига устувор концепция сифатида танлаб олинган ҳамкорлик муносабатлари маркетинги учун қуйидагиларни киритдик: ҳамкорлар билан ўзаро алоқалар барқарорлиги, истеъмолчиларнинг содиқлиги, ишбилармонлик фаоллиги ва имидж. Таклиф этилаётган мезонларга мувофиқ сифат ва сон кўрсаткичлари тизими шакллантирилди (1-жадвал).

**ОТМ маркетинг фаолияти самарадорлигини баҳолаш кўрсаткичлари
(муаллиф ишланмаси)**

Мезонлар	Кўрсаткичлар
1.Ҳамкорлар билан ўзаро алоқалар барқарорлиги	<p>1.1. Амалдаги ўзаро алоқалар йўналишлари сони</p> <p>1.2. Ҳар бир йўналишда амал қиласидан ўзаро алоқалар занжирлари сони.</p> <p>1.3. Ўзаро алоқалар занжиринда амалдаги алоқалар динамикаси даражаси: тармоқда янги муносабатлар ўрнатиш ва ҳамкорларни алмаштириш тез-тезлиги.</p> <p>1.4. Тармоқ ичida ҳамкорлар ўртасида ўзаро алоқалар сметасини тузиш оптималлик даражаси.</p> <p>1.5. Ҳамкорларнинг бир-бираига мослашув даражаси:</p> <ul style="list-style-type: none"> - ҳамкорга ишонч даражаси; - бир-бираига нисбатан мажбуриятларни бажариш даражаси. <p>1.6. Ҳамкорлар мағфаатларини қондириш даражаси: олингандан натижаларнинг кутилган натижаларга мувофиқлик даражаси.</p> <p>1.7.Ҳамкорлик натижасида ҳамкорлик тармоғи янги сифатлари пайдо бўлиши билан тавсифланадиган ўзаро алоқалар даражаси.</p> <p>1.8. Ўзаро алоқаларнинг ахборот таъминоти даражаси:</p> <ul style="list-style-type: none"> - ички ва ташки ахборотларнинг тўлиқлик ва ишончлилик даражаси, - ахборот олиш тезкорлиги, - Тармоқ ичida ахборот алманиши даражаси. <p>1.9. Қўшима қарорларнинг инновационлик ва сифат даражаси.</p>
2. Истемолчилик содиқлиги	<p>2.1. Таълимнинг очиқлик даражаси:</p> <ul style="list-style-type: none"> - истемолчи учун ўқитиши қийматининг очиқлик даражаси; - пуллик асосда ўқитишида амалдаги имтиёзлар ва чегирмалар тизимининг ривожланиш даражаси <ul style="list-style-type: none"> - ўқитиши шакллари ва турларини, амалга ошириш шартлари ва муддатини танлаш имконияти; - мослашувчан машғулотлар жадвали, қулай дарс жадвали, фан устида мустакил ишлаш имконияти мавжудлиги. <p>2.2.Олингандан таълимнинг фойдалилик ва қимматлилик даражаси:</p> <ul style="list-style-type: none"> - олингандан таълимга меҳнат бозорида талаб даражаси; - олингандан таълимнинг меҳнат бозори асосий талабларига мувофиқлик даражаси; - олингандан таълимнинг давлат таълим стандартлари талабларига мувофиқлик даражаси; - олингандан таълимнинг бўлғуси меҳнат фаолияти мураккабликлари ва ўзига хосликларига мувофиқлик даражаси. <p>2.3. Битирувчилар эҳтиёжларини қондириш даражаси:</p> <ul style="list-style-type: none"> - олингандан ваколатлар тўпламишининг битирувчиларнинг касбга эга бўлиш, ўз-ўзини англаш ва шахсий камол топиш мақсадларига мувофиқлик даражаси; - ОТМда ўқишини давом эттириш имконияти (магистратура, иккичи олий маълумот, малака ошириш ва қайта тайёрлаш, аспирантура); - ОТМни тамомлагач, танланган касб бўйича ишга жойлашиш имконияти; - ОТМнинг битирувчиларни ишга жойлаштиришда иштирок этиши даражаси. <p>2.4. Битирувчиларнинг ОТМ билан ўзаро алоқалар даражаси:</p> <ul style="list-style-type: none"> - магистратура, иккичи олий маълумот, малака ошириш ва қайта тайёрлаш, аспирантура учун олий таълим мұассасасига хужжат топширган битирувчиларнинг улуши; - собиқ битирувчилар томонидан ёш мутахассисларгага мурожаатлар улуши; - битирувчилар уюшмаси мавжудлиги ва унинг фаолияти самарадорлиги. <p>2.5. Иш беручиларнинг битирувчилар касбий тайёргарлик сифатидан қониқсанлик даражаси.</p>
3. ОТМнинг ишбилармөнлик фаоллиги	<p>3.1. Ўқитиши жараёнининг сифат даражаси.</p> <p>3.2. ОТМ профессор-ўқитувчилари таркибининг сифат даражаси</p> <p>3.3. Ресурслар таъминоти сифат даражаси</p> <p>3.4.Илмий-тадқиқотчилик фаолиятининг ривожланиш даражаси</p>
4. ОТМ имиджи	<p>4.1. Олий таълим бозорида ОТМнинг муваффақият даражаси:</p> <ul style="list-style-type: none"> - минтақавий бозорда ОТМ рейтинги. - ОТМ эгаллаб турган бозор улуши. <p>4.2. ОТМнинг ижтимоий фаоллик даражаси.</p> <p>4.3. ОТМ фаолиятининг жамиятда тан олиниш даражаси.</p>

Тадқиқот жараёнида ОТМда маркетинг фаолияти самарадорлигини унинг фаолияти барқарорлигини таҳлил қилиш асосида аниқлаш мумкин, деган хуносага келдик. Шу сабабли уни баҳолаш учун ажратилган кўрсаткичлар бўйича ОТМ ривожланиш барқарорлиги коэффициентидан фойдаланишни таклиф этамиз:

$$K_y = N/N_{\text{умум}}, \quad (1)$$

Бу ерда: K_y –танлаб олинган кўрсаткич бўйича тадқиқ этилаётган даврда ОТМнинг ривожланиш барқарорлиги коэффициенти; N –кўрсаткичнинг ижобий ўзгаришлари сони; $N_{умум}$ – кўрсаткич ўзгаришлари умумий сони, жумладан, ўзгариш нолга тенг бўлганда.

Шакллантирилган кўрсаткичлар тўпламида турли натижалар муайян ўринга эгалиги сабабли (ОТМ фаолиятининг амалдаги натижалари ва эксперталар баҳоларини уйғунлаштириш), уларни интеграл кўрсаткич хисоб-китоби асосида бирлаштирилишини амалга оширамиз:

$$K_{ye} = (\sum Y_i \times K_{yi}) / n, \quad (2)$$

Бу ерда: K_{ye} –ОТМ ривожланиш барқарорлиги йиғма интеграл кўрсаткичи; Y_i –мос келувчи кўрсаткичлар учун маркетинг фаолиятини баҳолашда i-мезони салмоғи; K_{yi} – хисоблаб чиқилган кўрсаткичлар бўйича коэффициентлар; n –коэффициентлар сони.

ОТМ маркетинг фаолияти харажатларини тақсимлаш самарадорлиги (\mathcal{E}_3) хисоб-китобини қўйидаги нисбат орқали амалга оширамиз: $\mathcal{E}_3 = \mathcal{E}_M / Z_M$.

Бунда олинган натижани (\mathcal{E}_M) қўйидаги тарзда аниқлашни таклиф қиласиз:

$$\mathcal{E}_M = (K_C \times B \times H) - Z_M, \quad (3)$$

Бу ерда: K_C – биринчи курс талабалари сони, киши; H – ОТМда битта талабани ўқитиши нархи, сўм; B – «маркетинг танлови коэффициенти». Булар маркетинг акциялари натижалари бўйича ОТМни танлаган талабалар сонининг талабалар умумий сонига нисбати сифатида аниқланади (биринчи босқич (курс)) талабалари ОТМга қабул қилинганидан кейин сўров варакалари бўйича шакллантирилади).

Ўз навбатида, маркетинг фаолияти харажатларини (Z_M) хисоб-китоб қилиш учун қўйидаги формуладан фойдаланамиз:

$$Z_M = K_C \times H \times M_P, \quad (4)$$

Бу ерда: M_P –ОТМ йиллик бюджетида маркетинг харажатлари улуши, %.

Таклиф этилган методологик ёндашув БухДУ мисолида минтақавий олий таълим бозорида аprobация қилинди.

Маркетинг фаолияти самарадорлиги ва унинг натижаларига асосланган қиёсий динамик қаторлар ҳар бир кўрсаткичнинг якуний натижага таъсири ва самарадорлиги ўзгаришининг асосий тенденцияларини аниқлашга, шунингдек, университетнинг рақобатли устунлигини таъминлаш ва саклаб қолиш учун келажакдаги мақсадларга эришишни прогноз қилишга имкон беради.

БДУ маркетинг самарадорлигининг қиёсий таҳлили барқарор ўсиш тенденциясини кўрсатди. Маркетинг харажатлари таркибидаги операцион харажатлар улушининг умумий ўсиш суръати ушбу кўрсаткичнинг ўзгариши бўйича ижобий тенденцияни таъминлади.

Олинган натижалар университетнинг маркетинг фаолияти самарадорлигини, унинг ўзини ўзи таъминлаши фойдалиларини миқдорий жиҳатдан асослашга имкон берди.

Тўлиқлик ва комплекслиликка эришиш учун баҳолашни иккита таркибий қисм орқали амалга оширамиз: маркетинг бошқарувини амалга ошириш самарадорлиги ва уни ташкил этиш самарадорлиги.

Маркетинг бошқарувини амалга ошириш самарадорлигини баҳолаш мезонлари учта даражада бўйича гурухланган:

фаолиятни бошқариш: бозор билан коммуникатив алоқаларни ривожлантиришда очик тизим сифатида ОТМни бошқариш;

функцияни бошқариш: менежментнинг барча функциялари ўзаро қалин боғлиқлигига «касбий фаолият эҳтиёжларидан бозор эҳтиёжларига» тамойилини амалга ошириш;

талабни бошқариш: барча тоифадаги мижозлар талабини яратиш, мувофиқлаштириш, қондириш ва илғор шакллантириш.

Биз шакллантирган, асосий мезонлар мувозанатланган комплексини ўз ичига олган ОТМ маркетинг бошқарувини амалга ошириш самарадорлигини баҳолаш тизимида келтирилган (2-жадвал).

Олинган маълумотларни таҳлил қилиш асосида ОТМнинг маркетинг бошқарувини янада ривожлантириш ва такомиллаштириш бўйича тавсиялар ишлаб чиқилган.

Маркетинг бошқаруви самарадорлигини баҳолашнинг асосий масалаларидан бири маркетинг бўлимининг ОТМ ташкилий таркибидаги ўрни ва ролини, шу жумладан, бошқа таркибий бўлинмалар билан ўзаро муносабатларини фаолият йўналишлари рўйхатини, уларнинг тўлиқлиги ва мураккаблигини аниқлаш хисобланади.

**ОТМ маркетинг бошқаруви самарадорлигини баҳолаш тизими
(муаллиф ишланмаси)**

1. Фаолиятни бошқариш.	1.1.ОТМ олий раҳбариятнинг маркетингга йўналтирилганлиги	1.1.1.Олий раҳбариятнинг мижозлар эҳтиёжлари ва талабларига йўналтирилганлиги. 1.1.2.Маркетинг бошқарувининг аҳамияти ва уни ОТМ фаолиятида амалий қўллаш учун объектив эҳтиёжни тушуниш. 1.1.3.Маркетинг воситаларини қўллаш натижалари бўйича бошқарув карорларини қабул қилишга тайёрлик.
	1.2. Персоналнинг маркетингга йўналтирилганлиги	1.2.1.Маркетинг билан боғлиқ бўлмаган бўлинмаларнинг маркетингга муносабати 1.2.2.Ходимлар маркетинг тамойилларини фаол қўллашга тайёрлиги. 1.2.3.Корпоратив маданиятнинг ривожланганлиги.
	1.3.Рахбарияти ва персонал ўртасидаги ўзаро алоқа	1.3.1. Бошқарув ишларини бошқарув билан боғлиқ бўлмаган ишлардан ажратиш. 1.3.2. Ваколатларни бериш. 1.3.3. Қарор қабул қилиш жараёни.
	1.4. Бошқарув тизимининг очиқлиги	1.4.1.Ташки мухитга йўналтирилганлик. 1.4.2.«Таълим хизматлари тақдим этиш–таълим хизматлари олиш» занжирида устуворликларни таксимлаши.
2.Функцияни бошқариш	2.1.Режалаштириш	2.1.1. Стратегик режалаштириш тизимининг мавжудлиги. 2.1.2. Маркетинг тадқиқотлари ўтказиш йўналишлари ва тезлиги. 2.1.3. Маркетингни режалаштиришда комплексли ёндашувни қўллаш. 2.1.4. Маркетинг ахборот тизимининг фаолият кўрсатиши.
	2.2. Ташкил қилиш	2.2.1. Маркетинг бўлимининг расмий таркиби. 2.2.2. Ходимлар малакаси ва профессионализми. 2.2.3. Маркетинг бўлимида фаолиятни мувофиқлаштириш. 2.2.5. Маркетинг бўлимининг ОТМ бошқа бўлинмалари билан алоқалари.
	2.3. Мотивация	2.3.1. Маркетинг бўлими ходимларини рагбатлантириш тизими. 2.3.2. ОТМ қадриятлари ва бўлим ходимлари шахсий қадриятларининг мувофиқлиги.
	2.4. Назорат	2.4.1. Маркетинг фаолияти самарадорлик мезонларининг аниқлиги. 2.4.2. Назоратни амалга ошириш мунтазамлиги.
3.Талабни бошқариш.	3.1. Таълим хизматини бошқариш	3.1.1. Янги таълим хизматлари ишлаб чиқиши. 3.1.2. Таълим хизматлари ассортиментини шакллантириш.
	3.2. Битирувчиларни ишга жойлаштиришни бошқариш	3.2.1. Мутахассисларга эҳтиёжларни таҳлил қилиш 3.2.2. Битирувчиларни ишга жойлаштириш имкониятларини излаб топиш тизими мавжудлиги.
	3.3. Нархни бошқариш	3.3.1. Нарх шакллантириш усуллари. 3.3.2.Имтиёзлар ва чегирмалар тизими.
	3.4. Коммуникацияларни бошқариш	3.4.1. Коммуникация сиёсатини шакллантириш. 3.4.2. Коммуникация дастурларининг йўналишлари.

Шунга мувофиқ маркетинг бошқарувини ташкил қилиш самарадорлигини қўйидаги мезонлар йиғиндиси билан баҳолаймиз:


1. Маркетинг бўлимининг профессионал фаолиятни амалга ошириши: рақобатчиларни ўрганиш, истеъмолчиларни тадқиқ этиш, таълим фаолиятини бошқариш, таълим хизматлари ва дастурларининг янги ғояларини ташкил қилиш, хизматларга нарх белгилаш, таълим хизматларини илгари суриш ва самарали сотувни ташкил қилиш, маркетинг стратегиясини ишлаб чиқиши.

2. Маркетинг бўлимини ОТМ бошқарув тизимига интеграция қилиш: маркетинг бўлимининг ОТМ таркибли бўлинмалари билан ўзаро алоқаси; қабул қилинадиган маркетинг қарорларининг оқибатларини баҳолаш имконияти. Бу олинган натижаларга тузатиш киритилишини (қайтувчан алоқа) таъминлайди ва маркетинг бўлимининг назоратни амалга оширишда иштирок этиш даражасини тавсифлайди.

3. Маркетинг бўлимининг ички муҳити: маркетинг бўлими ходимларининг малакаси ва профессионализми, маркетинг харажатлари таркиби, маркетинг бўлимини молиялаштириш усуллари.

ОТМ маркетинг бошқарувини ташкил қилишни объектив баҳолаш маркетинг бўлимининг мавқеини ва унинг ишбилармонлик фаоллиги даражасини аниқлашга имкон беради.

Минтақавий олий таълим бозорида рақобатчи олий таълим муассасалари ўртасида маркетинг бошқаруви самарадорлигини баҳолаш натижаларини қиёсий таҳлил қилиш учун (2-расм) олинган қийматларни танланган мезонлар бўйича уларнинг нисбати орқали қайта ишлаймиз. Самарадорликнинг юқори бўлишини таъминлайдиган ижобий даража 1 дан катта қийматга, қарама-қарши қийматга нисбатан салбий даража 1 дан кам қиймати мос келади. Бундан ташқари, агар қийматлар тенг бўлса, оралиқ вариант мумкин [2.103].



**2-расм. ОТМ маркетинг бошқаруви самарадорлигини қиёсий баҳолаш алгоритми
(муаллиф ишланимаси)**


Ушбу ёндашув ОТМ маркетинг бошқарувини ташкил қилиш ва амалга оширишнинг кучли ва кучсиз томонларини, шунингдек, тузатиш киритувчи харакатларни амалга ошириш лозим бўлган энг муаммоли йўналишларни аниқлашга имкон беради.

Таклиф этилаётган услубият олий таълим муассасалари фаолиятида маркетинг бошқарувининг асосий универсал параметрларини аниқлаш ва баҳолашга асосланган бўлиб, кенг камровли ва жадал ривожланиш суръатларининг ўсиши умуман, уларнинг рақобатбардошлигини оширишга олиб келади.

Олий таълим самарадорлиги масалаларига илгари ҳам, ҳозирги пайтда ҳам самарадорлик, рақобатбардошлик ва бевосита таълим хизматлари, таълимга сарфланган маблағларнинг иқтисодий самарадорлиги ҳам, экстерналийлар (ташки таъсирлар) хусусиятига эга бўлган ижтимоий таъсирлар ҳам баҳоланадиган меҳнат бозори агенти сифатида шахснинг потенциал бозор қийматига инвестиция сифатида талқин қилинади. Худди шу тарзда инсон капитали

назарияси олий таълим самарадорлигини давлат, жамият ва иш берувчи нуқтаи назаридан кўриб чиқади².

Олий касб таълими муассасаларини бошқариш соҳасидаги замонавий тадқиқотлар ОТМларни тобора кўпроқ бозор мухитининг агентлари сифатида кўриб чиқмоқда. Уларнинг фаолияти самарадорлигига эса, стратегик бошқарув нуқтаи назаридан стратегик мақсадлар билан таққослаш сифатида қаралмоқда. Бунда олий таълим муассасасининг стратегик мақсадлари одатда, кадрлар тайёрлаш бўйича давлат вазифаларини бажариш ва уларнинг рақобатдошлигини ошириш йўналиши бўйича маҳаллийлаштирилади [3]. Касбий таълим тизими ва меҳнат бозори ўртасидаги ўзаро муносабатлар муаммолари билан шуғулланувчи муаллифлар [4. 258] тадқиқотларида сўнгги пайтларда олий таълим муассасалари битирувчиларнинг минтақавий меҳнат бозорлари эҳтиёжларига миқдорий ва сифат жиҳатдан мувофиқлигига асосий эътибор қаратилмокда. Шундай қилиб, олий касб таълими самарадорлиги тўғрисидаги замонавий қарашларга кўра, у ўзини намоён қиладиган бир неча йўналишларга эга (3-расм).



3-расм. ОТМ ва олий касб таълими самарадорлигининг намоён бўлиш йўналишлари

Давлат нуқтаи назаридан, олий таълимнинг иқтисодий самарадорлиги, авваламбор, бюджет маблағларини таълим фойдасига қайта тақсимлаш натижасида йўқотишлилар камайган тақдирда, иқтисодиётнинг бошқа соҳаларига йўналтирилган кўйилмалардан кўра, таълим соҳасидаги бюджет кўйилмаларидан юқорироқ самарани ифодалайди. Давлат даражасида олий таълимнинг ижтимоий самарадорлиги жамият ижтимоий барқарорлашуви ва ахоли турмуш даражаси ўсишида намоён бўлади. Миллий иқтисодиёт миқёсидаги иқтисодий самарадорлик меҳнат ва илмий салоҳият сифатининг ўзгариши, меҳнат унумдорлигининг ошиши ва пировардида ЯИМ ўсиши билан белгиланади. Таълим хизматлари бозорида олий таълим муассасасини бошқариш ва улар унинг фаолияти самарадорлиги рақобатбардошлиги ва бозордаги умумий ҳолати кўринишида намоён бўлади.

Бундай ҳолда, иқтисодий самарадорлик ҳақида гапириш, гарчи, бу атама тижорат тушунчasi тўлиқ бўлмаса хам, ўринлироқ, чунки ОТМ учун фойда олишнинг ўзи алоҳида бир мақсад эмас. Ушбу ҳолатда иқтисодий самарадорликни белгилаб берадиган кўрсаткичлар умумий (бюджет ва бюджетдан ташқари): даромад ҳажми, харажатлар даражаси, шунингдек, рақобатли барқарорлик ва реал имкониятларни белгилаб берадиган ОТМ харажатлари таркиби ҳисобланади.

² Таъкидлаш жоизки, олий таълимнинг ижтимоий самарадорлиги нафақат якка тартибда намоён бўлади, балки бутун жамиятга хам тарқалади.

Минтақавий меҳнат бозори нұқтаи назаридан, шу жумладан, ёшлар ўртасида бандлик ва ишсизлик күрсаткичлари ижобий динамикаси мавжуд бўлган тақдирда, олий таълимнинг ижтимоий самарадорлиги ҳақида гапириш мумкин, иқтисодий самарадорлик эса, умуман, иқтисодиёт самарадорлиги ва ЯХМ ўсиши билан минтақа иқтисодиёти даражасида аниқланади.

Иш берувчи учун олий таълимнинг иқтисодий самарадорлиги, биринчи навбатда, тегишли мутахассисни ёллаш натижасида соҳа томонидан олинган энг юқори даромад билан уни тайёрлаш ва иш ҳақини тўлаш харажатлари ўртасидаги фарқдир. Шахсга келсак, юқорида айтиб ўтилганидек, олий касбий таълимнинг самарадорлиги икки йўналишда муҳокама қилиниши мумкин: қўлдан чиқарилган имкониятлар харажатларини хисобга олган ҳолда таълимга маблағлар киритишнинг иқтисодий самарадорлиги ва таълим [5. 22-24], касбий даражани ва натижада жамиятдаги мавқенини ошириш шаклида ижтимоий самарадорлик.

Шундай қилиб, олий таълимнинг самарадорлиги иқтисодий ва ижтимоий таркибий қисмларни ўз ичига олган кўп томонлама тоифадир. Бироқ, таъкидлаш жоизки, ушбу ҳолатда гап биринчи навбатда, минтақавий ва миллий ижтимоий-иктисодий тизимлар доирасида олий касбий таълимнинг самарадорлиги ҳақида ёки маълум бир истеъмолчи-талаба/олий мактаб битиравчиси учун маълум бир таълим хизмати самарадорлиги ҳақида боради. Олий касб таълими самарадорлигининг кўриб чиқилган баъзи жиҳатларигина маълум бир олий таълим муассасасининг муваффақияти билан бевосита боғлиқ бўлиши мумкин: таълим хизматлари бозорида ОТМнинг ракобатбардошлиги самарали менежмент натижаси, шунингдек, иш берувчи учун самарадорлик натижаси сифатида, лекин фақат унинг тайёргарликда молиявий иштироки ёки мутахассисни ривожлантиришда иштироки шартида, чунки акс ҳолда таълим хизматининг маълум бир ОТМ учун мажбурийлиги йўқ. Шунингдек, олий маълумотли мутахассисларни ОТМда ўқитиши, иш билан таъминлаш ва кейинги касбий фаолияти жараёнларидағи барча иштирокчилар манфаатларини хисобга олганда, мўлжалланаётган имтиёзлар мазмуни ва муддатлари бўйича бир қатор қарама-қаршиликлар пайдо бўлиши ҳам муҳим. Шу муносабат билан, олий таълим муассасасига нисбатан «фаолият самарадорлиги» бу атама тоифасини тушуниш, у кенг маънода миллий иқтисодиётнинг самарали субъекти сифатида фаолият юритиши зарурлигини белгилайдиган замонавий иқтисодий ва ижтимоий шароитларни хисобга олган ҳолда юзага келади.

Юқорида келтирилган ёндашувларни умумлаштириш ва қайта кўриб чиқиши муаллифга «олий таълим муассасаси фаолият самарадорлиги» атамасининг қўйидаги таърифини шакллантиришга имкон берди: олий таълим муассасаси фаолияти самарадорлиги олий таълим муассасаси томонидан олий касбий маълумотга эга бўлган мутахассисларга кўп даражали эҳтиёжлар тизимини кондириш жараённида ички ва ташки ресурслардан фойдаланишининг умумий жамоат ва якка ҳолдаги натижаларини комплексли акс эттирадиган ижтимоий-иктисодий тоифа.

Бизнингча, «ОТМ фаолияти самарадорлиги», «ОТМ самарадорлиги», «ОТМ ракобатбардошлиги» ва «таълим сифати ёки таълим хизматлари сифати» каби атамаларни ҳам ўзаро фарқлаш зарур, чунки мавжуд тафовутларга қарамай, ушбу атамалар кўпинча синоним сифатида кўлланади [6.17]. ОТМ самарадорлиги ресурслар харажатларисиз ОТМ фаолияти турли йўналишларининг сифат ва сон натижаларини баҳолашга имкон беради. Бундан ташқари, бу ҳолда харажатлар умуман баҳолаш обьекти саналмайди, чунки асосий молиявий натижа таълим муассасаси томонидан олинган даромад миқдори хисобланади, меҳнат ресурслари, ахборот ресурслари ва материал ресурслари уларнинг сифати бўйича баҳоланади. ОТМнинг ракобатбардошлилиги, юқорида таъкидлаб ўтилганидек, олий таълим муассасасини бошқариши самарадорлигининг кўрсаткичидир, яъни ОТМ фаолиятининг натижаси, шу билан бирга ОТМнинг таълим фаолияти самарадорлигини тавсифловчи «таълим хизматлари сифати» тоифаси ҳақида гапириш мумкин [7.20].

